

Абу Бакр ибн Абу Марям Атийядан ривоят килади: «Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам): «Аллох даргохида Унинг Каломидан улугрок бошка калом йўк. Бандалар Аллохга Унинг Каломидан севимлирок бошка бир калом билан кайта олмайдилар», деганлар» (Доримий ривояти[1]).

Аллох таоло учун Ўз Каломи Куръони Каримдан кўра суюклирок бошка китоб йўк. Сабаби Куръон нуксон, хато ва камчиликлардан холи, энг мукамал Китобдир. Бандалар Аллох хузурига Куръондан кўра яхширок бирон китоб билан бора олмайдилар. Ха, Куръон, аввало, Аллох учун севимлидир. Шундай экан, биз хам уни яхши кўришимиз ва Куръон хакларини адо килишимиз лозим.

Абдурахмон ибн Язид Абдуллох (розияллоху анху)дан ривоят килади: «Ким Куръонни яхши кўрса, хурсанд бўлсин!» (Доримий ривояти. Ривоят санади сахих).

Ким Куръонни яхши кўрса, ким Куръонга мухаббат кўйса, Куръонни эъзозласа, у банда хурсанд бўлсин. Сабаби бундай бандани Аллох хам яхши кўради, Куръонни ўша банда учун охиратда хужжат ва шафоатчи килади. Аллох яхши кўрган банда азобга йўликмайди, факат хурмат-эҳтиромга лойик кўрилади.

Куръонни яхши кўриш белгилари бор. Факат тил билан: «Мен Куръонни яхши кўраман», дейиш билан банда бундай макомга эришмайди, балки Куръонни яхши кўрган банда уни тиловат килади, ёдлайди, ўрганади ва амал килади. Ким Куръонни яхши кўраман, деб уни ўкимаса, Куръон хакларини адо килмаса, бундай банданинг гапи ёлгондир.

Ибн Абу Мулайкадан ривоят килинишича, Икрима ибн Абу Жахл Мусхафни юзига кўйиб, «Парвардигорим Китоби, Парвардигорим Китоби!» дерди. (Доримий «Сунан»да ва Байхакий «Шуабул-иймон»да ривоят килган[2]).

Бу банданинг Куръонни яхши кўришига далолат килувчи ишлардандир.

Абдуллох ибн Амр розияллоху анху Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)дан ривоят килади: «Куръон Аллох учун осмонлар ва Ер хамда улардаги нарсалардан-да севимлирокдир» (Доримий ривояти. Ривоят санади заиф[3]).

Аллох наздида дунёнинг пашша канотичалик кадри йўк. Шундай экан, осмонлар, Ер ва ундаги нарсалардан кўра Аллох учун Куръон мутлок афзал ва севимлирокдир. Аллох

учун Куръондан кўра афзал китоб йўк.

Собит Буноний Анас (розияллоху анху)дан ривоят килишича, бир киши: «Аллохга касамки, мен Ихлос сурасини яхши кўраман», деганида, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Бу (сура)га бўлган мухаббатинг сени жаннатга олиб киради», деганлар.

(Доримий, Ахмад, Ибн Хиббон ва Абу Яъло ривоятлари. Ривоят санади саҳих). Банданинг Куръонга бўлган мухаббати, хусусан, Ихлос сурасини яхши кўриши уни жаннатга олиб киради. Бу сурани ёдлаган, уни ўрганган банд куфр, шикр ва нифок каби иллардан саломат бўлади ва соф эътиқоди ва солих амаллари билан жаннатга киради.

Абдурахмон ибн Язид Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)дан ривоят килади: «Кайси банд Аллох ва Расулини яхши кўришини билмокчи бўлса, карасин, агар у Куръонни яхши кўрса, демак, у Аллох ва Расули (соллаллоху алайхи васаллам)ни яхши кўрар экан» (Байхакий ва Табароний ривоятлари. Ривоят лафзи Табаронийга тегишли ва унинг ровийлари ишончли).

Банданинг Аллох ва Расулини яхши кўриши мезони ҳам Куръондир. Ким Куръонни яхши кўрса, демак, у Аллох ва У Зотнинг Расулини яхши кўрар экан. Зеро, Аллох бу Китобни Ўз Расулига нозил қилган. У иккисини яхши кўрмай туриб, Куръонга мухаббат қўйиш мумкин эмас. Хаммаси бир-бири билан чамбарчас боглик.

Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)дан ривоят килинади: «Ким Куръонни яхши кўрса, ва уни хушласа, бас, у яхшиликдадир» (Табароний «Кабийр»да ривоят қилган).

Ким Куръонни яхши кўрса, яхшилик козонади, хайр-баракага эришади. Ким Куръонни яхши кўрса, дунё ва охиратда хурсанд бўлади. Ким Куръонни яхши кўрса, у Аллохнинг мухаббатига эришади ва жаннатга киради. Куръонни яхши кўриш бир хазина бўлиб, унинг манфаати жуда кўп.

Шакиқдан ривоят килинади: «Абдуллох кам рўза тутарди. Ундан бунинг сабаби сўралганида, у: «Мен рўза тутсам, Куръон ўқишдан ожиз қоламан. Куръон тиловати мен учун севимлироқдир», деб жавоб берди» (Байхакий «Шуабул-иймон»да, Табарий

«Тахзийбул-асар»да ва Табароний «Кабийр»да ривоят килган).

Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)нинг кам нафл рўза тутишининг сабаби Куръон тиловатини яхши кўриши эди. Кўп рўза тутган одам жисмоний куч талаб килувчи намоз, кироят каби ибодатларни ўзи хохлаганча кўп микдорда адо этолмайди. Шундан маълум бўладики, банда амалларнинг бир-биридан афзаллигини яхши англаб етиб, улар ичида энг мухимини олдин бажариши, ахамияти катта бўлган ишларга халал берувчи иккинчи даражали амалларни камрок килиши керак бўлади.

Куръон ўқиш нафл рўзадан устун туради. Сабаби Куръон тиловатининг нафл рўзадан манфаати кўпроқ. Нафл рўза банданинг ўзига фойда келтирса, Куръон тиловати ҳам бандага, ҳам бошқа муслмонларга манфаатлидир.

[1] Ривоят санадида икки заиф ровий бор. Булар Абдуллох ибн Солих ва Абу Бакр ибн Абу Марямдир.

[2] Ушбу ривоят санади мункотеъдир. Сабаби Ибн Абу Мулайка Икримани кўрмаган.

[3] Ривоят санадида холи нотаниш ровий бор ва Абдуллох ибн Солихнинг ёдлаш қобилияти жуда ёмон.